

## **RECENT REFORMS IN THE NOTARY SYSTEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.**

**Karim Ro'ziyev Ravshanovich**

As a result of the reforms implemented in the Notary system in the Republic of Uzbekistan, many citizens' appeals are executed quickly and qualitatively. The reforms implemented in this field in our country, in turn, serve as the main factor in achieving the intended goals and tasks.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОТАРИАТ ТИЗИМИДАГИ ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР.**

**Карим Рўзиев Равшанович**

Ўзбекистон Республикасида Нотариат тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида кўплаб фуқароларнинг муурожаатлари ижроси тез ва сифатли кўринишда амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз навбатида назарда тутилган мақсад вазифаларга еришишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда нотариат институтининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда нотариал идоралар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини ошириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Нотариат тизимини бюджетдан ташқари моделига босқичма-босқич ўтиш ва уни фуқаролик-ҳуқуқий ҳамда иқтисодий низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида янада ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида Нотариат тизимида кўплаб ўзгартиришлар ҳамда янги ислохотлар амалга оширилмоқда. Нотариат тизимини тубдан ислох қилиш бўйича кўплаб Нотариат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда шу билан бирга жиддий ўзгаришлар ҳам амалга оширилмоқда.

Шу боис давлатимиз раҳбарининг 2019-йил 9-сентябрдаги ПФ-5816 – сон “Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Фармон асосида 2020-йил 1-январдан давлат нотариал идоралари босқичма-босқич нодавлат нотариал идоралар этиб қайта ташкил қилиш хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолиятини йўлга қўйилишида муҳим аҳамият касб етмоқда.

Шу асосида нотариусларни бирлаштирувчи ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ягона тузилма сифатида Ўзбекистон Нотариат палатаси ташкил этилди. Унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унга аъзо бўлган нотариат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш тизими йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ўз навбатида назарда тутилган мақсад вазифаларга эришишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу асосида нотариусларни бирлаштирувчи ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ягона тузилма сифатида Ўзбекистон Нотариат палатаси ташкил этилди. Унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унга аъзо бўлган нотариат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш тизими йўлга қўйилди.

Давлат Нотариуслари энди қайд этиш лозимки, зарур миқдорда хусусий идоралар шаклланмагунча фаолиятини давом эттиради. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг ташкил қилиниши, биринчидан, тизимда соғлом рақобат муҳитини пайдо қилиб, нотариал ҳаракатларни расмийлаштириш вақти деярли уч баробар тезлашишига олиб келди.

Янги тизимга ўтилаётгани давлат нотариал идоралари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ давлат ресурслари тежалишини таъминлайди. Қолаверса, энди нотариусларнинг содир етган қилмишлари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга етказган зарарлари учун давлат жавобгар бўлмайди.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ноқонуний ҳаракати натижасида етказилган зарарни тўлиқ қоплаши, бунинг учун нотариуснинг жавобгарлиги мажбурий суғурталаниши ҳам энг муҳим ўзгаришлардан бири ҳисобланади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фаолияти ҳам мониторинг қилиб бориладиган бўлди. Бундай назоратни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда адлия бошқармалари амалга оширади. Уларнинг одоб-ахлоқ қоидалари ва касб мажбуриятларига риоя этиши устидан назорат Нотариал палата ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, нотариуслар хузурида «куриер», яъни хужжат ташувчи ходим лавозими жорий этилди. Улар фуқаролар ўрнига турли ташкилотлардан керакли хужжатларни тўплаб олиб келиш вазифасини бажаради. Бунда фуқароларнинг давлат идора ва ташкилотларига бориб,

турли оворагарчилик ва вақт йўқотиш эвазига хужжат тўплаш ҳолатларига бархам берилди.

Нотариат тизимида мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва нотариат тизимини замон талабларига мос келадиган соҳага айлантириш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузурида нотариат соҳасида ягона амалиётни шакллантириш бўйича Экспертлик комиссияси ташкил этилди. Экспертлик комиссияси таркибига жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи 7 нафар аъзодан иборат бўлиб, унинг таркибига ҳуқуқ соҳасидаги етакчи мутахассис-олимлар, тажрибали нотариуслар ва Адлия вазирлигининг масъул ҳодимлари киритилди. Комиссияга нотариал ҳаракатларни амалга оширишда жойлардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни қонуний ҳал қилиш учун соҳада муайян амалиётни таъминлаш, қонун ҳужжатларидаги ҳуқуқий нуқсонларни, коррупцияга, бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этишга, фуқаролардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилишга, уларни турли хил овора-сарсон қилишга йўл қўймаслик вазифаси бўйича таклифлар ишлаб чиқиш юклатилди. Бундан ташқари, комиссияга нотариал ҳаракатларни бажариш учун тақдим қилинадиган ҳужжат турларини тубдан қисқартириш, фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигини олдини олиш мақсадида нотариал ҳаракатларни бажариш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни электрон тизим орқали олиш ҳамда қонунчиликда нотариал тасдиқлаш мажбурий талаб қилинадиган битим ва ҳужжатларнинг турларини қисқартиришнинг қонуний йўллари излаб топиш вазифалари топширилди.

Хулоса ўрнида, ушбу Экспертлик комиссиясининг ташкил қилиниши келгусида нотариал соҳасидаги ишларнинг қонуний ҳал қилиш, бир хилликни таъминлаш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларга

сифатли ва оворагарчиликларсиз қулай ҳуқуқий хизмат кўрсатишда муҳим ўрин тутди. Энг эътиборли жиҳати, навбат кутиш масалаларида ҳам фуқароларга енгилликлар яратилди. Хусусан, давлат нотариал идораларида махсус техник воситалар ўрнатилади ва бу техник мосламалар ҳаққоний навбат тизимини шакллантиради. Бу еса нотасриус қабулига навбатсиз кириш, турли «таниш-билишчилик» ҳолатларини олдини олишга хизмат қилади.